# Қуръони Каримнинг ноёб ва қадимий қўлёзмалари

Image not found or type unknown

14:30 / 20.01.2021 2598

Шаржа шаҳридаги Ислом цивилизацияси музейи Ғарбий Осиё минтақасидаги энг муҳим музейлардан бири ҳисобланади. Унда Ислом цивилизацияси ва санъатига оид асарлар намойиш этилади. Ушбу музей асарлари орасида Қуръони Каримнинг ноёб ва қадимий қўлёзмалари ўрин олган.

Image not found or type unknown



Шунингдек, Шаржадаги Ислом цивилизацияси музейи 2008 йилда очилган. Музейда Ислом маданияти асарлари ва Ислом дунёсига оид 5000 дан ортиқ асарлар мавжуд. Ушбу ашёларга каллиграфия буюмлари, мозаикалар, сопол идишлар, тангалар, кристаллар, қўлёзмалар, металл буюмлар ва илмий асбоблар киради. Музейнинг аввалги номи Ислом музейи деб аталган.

Image not found or type unknown

Музей еттита йирик галерея ва кўргазма майдонларидан иборат. Ушбу жойнинг бир қисми турли хил Қуръон қўлёзмалари ва қадимий нусхалари кўргазмасига бағишланган.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***